



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (13.491)

Баҳоси эркин нарҳда

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 2 август кuni умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, ўқитувчи ва педагоглар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлаётган муурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўпалар таклифлар билдирилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакилларида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг шу борадаги ҳошиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўйбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овози бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган

тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-хунар коллежиди ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Селектор йиғилишида ўқувчилар ва ота-оналарнинг хошиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ўқувчиларга касб-хунар ўргатишининг янги тизими – ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу мажмуаларни ўқув хижозлари, касб-хунар ўрганиш учун зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича масъул идора ва шахслар белгиланди.

Маҳалла фаоллари, нуронийлар, профилактика инспекторлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар ҳокимларига умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини ошириш, ҳар пайшанба – профилактика кунинида ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш ва таълим натижаларини танқидий муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди.

Янги ўқув йили бошлангунча касб-хунар коллежларининг ўқув устакхоналари негизда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилиб, уларга яқин атрофдаги мактабларни бириктириш, коллежлардан узокда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактабнинг ўз базасида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида чуқурлаштирилган махсус тайёргарликни талаб этмайдиган

чилангар, тикувчи, хайдовчи, ошпаз, сартарош, каштачи, кулол, қандолатчи, новвой, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи каби жами эллиқдан зиёд касб-хунар ўргатилади. Бу мажмуаларда касб эгаллаган ўқувчиларга 11-синфни якунлаганидан сўнг етуклик аттестати билан бирга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Йиғилишда касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган, дарс соатлари ҳажми камайган ҳар бир ўқитувчини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни янги ўқув йили бошлангунга қадар ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди шахсларга тегишли топшириқлар берилди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 10-синф ўқувчиларини янгидан ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида замонавий дарсликлар билан таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди, тегишли ташкилотларга дарсликларни вақтида ва сифатли нашрдан чиқариш бўйича ушқоқлик билан иш олиб бориш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 10-11-синфларни ташкил этиш, нодавлат таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига жорий йилнинг 20 августига қадар таълим муассасаларини янги ўқув йили, кузги-қишки мавсумга сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва хижозлаш ишларини якунлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб темир йўл соҳасини ривожлантиришга бўлган қатъий эътибор натижасида мазкур тармоқда юксак марраларга эришилмоқда. Бугунги кунга келиб темир йўл транспорти тизими ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мураккаб тоғ ва чўл шароитларида янги темир йўллари барпо этиш, тезкор поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, темир йўллари электрлаштириш, юк ва йўловчи ташиш вагонларини ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, балки бутун мамлакатни тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган “Навоий – Учқудук – Нукус – Султонувайистон”, Амударё узра қурилган кўприк, “Тошсузар – Бойсун – Кумқўрғон” ва “Ангрен – Поп” темир йўллари қурилиши Ўзбекистонда мустақил, ягона темир йўллар тармоғини шакллантириш имконини яратди.

Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл соҳаси мураккаб тикланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди. Натижада мамлакатимизнинг барча минтақаларини бир-бири билан ишончли ва самарали боғлайдиган ҳамда халқаро транспорт йўлакларига чиқиш имконини берадиган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими барпо этилди.

“Ангрен – Поп” темир йўли ва туннелининг қурилгани ва фойдаланишга топширилгани Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг қолган ҳудудлари билан мустаҳкам боғлади, ушбу темир йўл Хитой – Марказий Осиё – Европа янги темир йўл транзит йўлагининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ва инфратузилмасини янада ривожлантиришга 7,5 миллиард долларлик капитал қўйилмалар, шу жумладан, 2,4 миллиард доллар миқдориди хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 август

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Болгарияда бўлиб ўтган “Чегара билмас математика” халқаро мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллади.



Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мусобақа финалида дунёнинг 11 давлатидан 1 минг 200 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Унда ўқувчиларимиз 60 дақиқа ичида 20 математик масалани ечишга муваффақ бўлиб, мамлакатимиз ёшлари иқтидорини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Камалак” болалар ташкилоти фаоллари уларга фахрий ёрлик, эсдалик совғалари топширди.

Тадбирда иштирок этган устоз-мураббийлар, совриндор ўқувчилар

нинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг камолотида қаратилган юксак эътибор туфайли ёшларимиз халқаро миқёсдаги фан ва спорт олимпиадаларида, нуфузли кўриктанловларда совринли ўринларни қўлга киритиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётганини алоҳида эътироф этди.

– Бу мусобақада мактабимиз ўқувчилари илк бор иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритди, – дейди “Intellect” хусусий мактаби илмий

бўлим мудирини Наталья Баннова. – Бундан ҳақли равишда фахрланамиз. Ёшларимиз иқтидорли, билимга чанқоқ. Мамлакатимизда таълимга қаратилган юксак эътибор туфайли улар ўз билимларини халқаро миқёсда ҳам намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқда.

Болгарияда олтин, кумуш ва бронза медаллар шодасини қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарган ёшларимизнинг ютуғи мамлакатимизда ёшларга оид олиб бо

рилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир.

– Мусобақа жуда қизиқarli бўлди, – дейди “Чегара билмас математика” халқаро мусобақаси олтин медал соҳиби Нигина Иноятова. – Биринчи марта иштирок этганим учун сал ҳаяжонландим, аммо олган билимларим, устозларимиз, ота-онамнинг қўллаб-қувватлаши менга шижоат бағишлади. Келажақда математикани чуқур эгаллаб, Ватанимизга хизмат қиламан.

(ЎЗА)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сунъий жабаблар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида ёш тадбиркор ва фермерлар билан очик мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Фарғона туманидаги асаларичилик ишлаб чиқариш-ўқув марказида бўлиб ўтган мулоқотда тижорат банклари масъул ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар ва ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси томонидан Тўрткўл туманида сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабул жараёнида 40 дан ортиқ муурожаат тингланиб, 12 таси шу ернинг ўзиди ижобий ечим топди, 28 муурожаат тегишли вазирликлар томонидан назоратга олинди, ҳал этилиш муддати белгиланди.

• Хоразм вилоятидаги “Жанубгазқурилиш” акциядорлик жамиятида чоршанба – ёнғинлар профилактикаси кунини муносабати билан давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда жорий йилнинг 7 ойида вилоятда содир бўлган ёнғин билан боғлиқ ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот берилди.

• Нукусда “Ишбилармон аёл – 2017” кўриктанловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. “Замонавий тадбиркор аёл портрети”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл”, “Ташаббускор аёл”, “Битирувчи қизларга энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл” каби қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

• Учиш-қўниш йўлакларини капитал таъмирланган Самарқанд аэропорти яна иш бошлади. 1 августдан “Самарқанд” халқаро аэропорти учуш-қўниш йўлакларини капитал таъмирланганидан сўнг халқаро ва маҳаллий парвозлар учун очилди.

• Hyperloop One компанияси 29 июль кунини Hyperloop тезкор транспорт тизимининг янги синовларини ўтказди. Синов давомида компаниянинг XP-1 поезди қувур ичида 310 километр/соат тезликка чиқа олди. Бу Hyperloop тизимининг турли вариантлари шу пайтга қадар қайд қилган энг катта тезликдир.

• АҚШ президенти Дональд Трамп Green Card лотереясида воз кечишни кўзда тутуви The RAISE қонун лойиҳасини тақдим этди.

ган ишбилармон аёл” каби қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

• Учиш-қўниш йўлакларини капитал таъмирланган Самарқанд аэропорти яна иш бошлади. 1 августдан “Самарқанд” халқаро аэропорти учуш-қўниш йўлакларини капитал таъмирланганидан сўнг халқаро ва маҳаллий парвозлар учун очилди.

ЖАҲОНИДА

• Hyperloop One компанияси 29 июль кунини Hyperloop тезкор транспорт тизимининг янги синовларини ўтказди. Синов давомида компаниянинг XP-1 поезди қувур ичида 310 километр/соат тезликка чиқа олди. Бу Hyperloop тизимининг турли вариантлари шу пайтга қадар қайд қилган энг катта тезликдир.

• АҚШ президенти Дональд Трамп Green Card лотереясида воз кечишни кўзда тутуви The RAISE қонун лойиҳасини тақдим этди.

Ушбу қонун лойиҳасини Трамп «ярим аср ичида иммиграция тизимидаги энг катта ислохотлардан бири» деб атади. Қонун лойиҳасини тайёрлашда сенаторлар Дэвид Пердью ва Том Коттон қатнашди.

• Инсон ҳаракатини қайд қилиб, тегишли ахборотни мобил дастурга етказишга мўлжалланган қўллаб-сенсорларга эга футболка Япониянинг Хепота компанияси томонидан ишлаб чиқилди. Футболканинг ўзига хослиги шундаки, у видеокамераларсиз инсон организмиди ҳақида маълумот тўплаш олади. Истиқболда ускуна ёрдамида турли хасталиклар ҳақида маълумот тўплаш ёки видеоўйинлар қаҳрамонларини бошқариш мумкин бўлади.

• Европанинг Vega ракета ташувчиси Италиянинг Optstat-3000 ҳарбий сунъий йўлдадини муваффақиятли орбитага олиб чиқди. Бу ҳақда парвоз оператори бўлган Arianespace компанияси раҳбари Стефан Израэль маълум қилди.

Ўзбекистон ва Россия стратегик шериклардир. Олий даражадаги мунтазамлик касб этган учрашувлар давлатлараро муносабатлар юксаклигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир ТЮРДЕНЕВ билан суҳбатлашди.

— **Жаноб элчи, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида турли соҳаларда амалга оширилган ислохотларни қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси бугун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил февраль ойида тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни янада ривожлантиришнинг истиқболлари белгиланди. Маълумки, ушбу ҳужжатни амалга ошириш мақсадида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни рағбатлантириш ва бизнес муҳитни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жорий йил Ўзбекистонда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Мамлакат Президентининг, вазирлик ва идораларнинг виртуал қабулхоналари ташкил этилди. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташриф буюриб, аҳоли билан мулоқот қилмоқда, жойлардаги долзарб масалалардан хабардор бўлмоқда.

Ташки сийosat ҳақида сўз юритилар экан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўшни мамлакатлар билан муносабатларни янада ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш ўринлидир. Бу, шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш ва фаровонликни юксалтиришга хизмат қилади.

— **Жорий йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги натижалари ҳақида сўзлаб берсангиз. Сизнингча, ҳамкорлик қайси соҳаларда жадал ривожланмоқда?**

— Россия ва Ўзбекистон 25 йилдан буён ўзаро ишончли ва манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Сийосий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-техник соҳалардаги алоқалар дўстлик ва бир-бирини

қўллаб-қувватлаш аънаналари асосида йўлга қўйилган.

Ўтган даврда Россия — Ўзбекистон муносабатларига ҳуқуқий замин бўлган давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари (1992 йил), стратегик шериклик (2004 йил), иттифоқчилик муносабатлари (2005 йил) тўғрисидаги шартномалар, хавфсизлик, савдо, маданият, миграция, жиноятчиликка қарши курашиш ва бошқа соҳаларда икки томондан зид икки томонлама ҳужжат имзоланган. Халқаро майдонларда, жумладан, БМТ, ШХТ, МДХ доирасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олий даражадаги мулоқотлар, вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқалар мунтазамлик касб этган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

тирокида 500 корхона ишлаб турибди, янги қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Россия инвестициялари 6 миллиард доллардан ошди.

Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2016 йил Ўзбекистонда Россия кунлари муваффақиятли ўтказилди, айни пайтда Россияда Ўзбекистон кунларини ташкил қилишга тайёргарлик қўрилмоқда. Россиянинг танқиди санъаткорлари ва бадиий жамоаларининг концертлари, Россия маданияти ва тарихининг буюк намоёндаларига бағишланган кечалар мунтазам ўтказилмоқда. А.Пушкин номидаги тасвир санъат давлат музейида ўтказилган И.Савицкий номидаги давлат санъ-

Владимир ТЮРДЕНЕВ:

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗARO ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

нинг 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи ўзаро муносабатларда улкан воқеа бўлди. Ташриф чоғида умумий қиймати 16 миллиард доллар бўлган ҳуқуқматларро ва идоралараро ҳужжатлар, жумладан, минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат қилишга уюшган ҳолда жалб этиш, миграция соҳасида мутасадди органлар ваколатхоналарини таъсис этиш, соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан, туризм соҳаларида ҳамкорлик бўйича келишувлар имзоланди.

Ҳамкорликнинг муҳим элементлари-дан бири бўлган савдо-иқтисодий алоқалар ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида Россия статистикаси маълумотларига кўра, товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Россия — Ўзбекистон ҳуқуқматлараро комиссияси муваффақиятли фаолият қўсатмоқда ва унинг 18-мажлиси, шу йил 15 февраль кун Тошкентда бўлиб ўтди. Ўзбекистонда Россия инвестициялари иштирокида ташкил этилган 900 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Россияда Ўзбекистон резидентлари иш-

ат музейи фондининг “Нукус дурдонаси” кўргазмаси Россия маданий ҳаётида ёрқин воқеа бўлди. Таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Россияда ўзбекистонлик 20 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. Ўзбекистонлик ёшларнинг Россия олий ўқув юр்தларининг Тошкентдаги филиалларида ўқишга қизиқиши катта.

— **Сизнингча, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ҳамкорлигида қандай янги йўналишлар пайдо бўлди?**

— Ўзбекистон Президентининг Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар самарасида кўпгаб йўналишлардаги ҳамкорлик янада фаоллашди.

Ўзаро савдо ва инвестициявий ҳамкорлигини диверсификациялаш, ёқилғи-энергетика соҳасида кўпгаб йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шартнолар яратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Автомобилсозлик, дастгоҳсозлик, фуқаро-авиацияси ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар ҳам мустаҳкамланмоқда. Россия ва

Ўзбекистоннинг йирик тиббиёт марказлари ўртасида, жумладан, А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги миллий илмий-амалий маркази, Н.Бурденко номидаги нейрожарроҳлик миллий илмий-амалий маркази, Н.Склифосовский номидаги тез ёрдам илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликка оид ўнга яқин ҳужжат имзоланди.

Ҳудудлараро ҳамкорликка қўмаклашиш тўғрисида ҳуқуқматлараро битимга мувофиқ Россия субъектлари ва Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бирликлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилди. Жорий йилда Тошкент вилояти делегацияси Ленинград вилояти ва Санкт-Петербург шаҳри, Андижон вилояти вақиллари Новосибирск вилояти ва Красноярск ўлкаси, Наманган вилояти делегацияси Свердловск ва Челябинск вилоятлари, Самарқанд вилояти вақиллари Татаристон Республикаси ва Бошқирдистон Республикасида бўлди. Новосибирск вилояти губернатори В.Городецкий раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга келди. Бу борада яна қатор тадбирлар режалаштирилган.

— **Тошкентда шу йил сентябрь ойида II халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўтказилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати салоҳиятини, ушбу соҳада мамлакатларимиз ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россияга етказиб бериш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Жорий йил январь-апрель ойларида Ўзбекистондан Россияга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга ўсди. Умумий қиймати 612 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш бўйича йигирмадан ортиқ шартнома тузилган.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида товар айирбошлаш ва транспорт воситалари ҳаракатида божхона операцияларини амалга ошириш тартиби, фитосанитария назорати (“яшил йўлак”) тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган битимлар имзоланган.

Айни пайтда II халқаро мева-сабзавот ярмаркасида қатнашиш учун Россиянинг йирик ритейлерларидан иборат бизнес миссияни ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлаштириб келаятган мустақиллик кунини самимий табриклайман. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик янада мустаҳкамланишни тилайман.

А.СААДОВ
суҳбатлашди

Халқаро пресс-клубда

ЭКОҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Жорий йил 2 август кунини Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилганига 9 йил тўлди.

Ўтган даврда мазкур жамоат ташкилотини қандай фаолият юритди? Ҳаракатнинг иши самарадорлиги нималарда намоён бўлмоқда?

Пойтахтимиздаги Халқаро пресс-клубда бўлиб ўтган навбатдаги мулоқот шу мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистон Экологик ҳаракати масъул ходимлари, Экоҳаракатнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзолари, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда экология йўналишидаги қатор халқаро ташкилотлар вақиллари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган давр мобайнида амалдаги қонунчилиқни такомиллаштириш, давлат дастурларини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланиш, аҳолини атроф-муҳит ишларига жалб этиш, экологик маданиятни, таълим-тарбияни кучайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экоҳаракатнинг депутатлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг ташаббуси билан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли савоматлигини мустаҳкамлашга оид 12 қонун қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июль кунини парламент палаталари, сийосий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Экоҳаракат фаолиятига ҳам тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ушбу Ҳаракат томонидан юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, шу соҳада қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси юзасидан парламент назоратини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиб, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, маиший чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш каби масалалар бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаоллари ҳамкорлар билан бирга, жумладан, ёшларни жалб этган ҳолда умумий майдони 88 гектар бўлган 20 дан ортиқ экобоғ барпо этган. Ёшлар ўртасида “Глобал клим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя”, “Онажоним табиат” танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳаракат муассислигида “Булоқча” (“Родничок”) болалар экологик журнали чоп этилади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам фаол иш олиб боради. Хусусан, 2016 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда Наманган шаҳрида аҳолининг экологик хабардорлигини ошириш мақсадида Ахборот-ресурс маркази очилди. Эндиликда бу каби ресурс марказлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва “SEMAK Equipment's and Technology” ташкилоти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Меморандумдан кўзланган асосий мақсад чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов. — Унга кўра чиқиндиларни халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган қайта ишлаш технологиялари олиб келинади, Тошкент, Жиззах вилоятларида корхоналар барпо этилади. Бу атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга, миллий маҳсулотларимиз турлари ошишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

(ЎЗА)

СЕРГЕЛИ:

ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛЕНИШ ОҒУШИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг асосий мақсади аҳолини, жумладан, ёш оилаларни, эскирган уй-жойларда яшаётганларни ва уй-жой шартноларини яхшилашга эҳтиёжманд бўлган фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлашдан иборат.

Қарорга кўра 2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрида 500 кўп қаватли уй қурилиши белгиланган, жорий йилда уларнинг 102 таси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сергели туманида бўлди.

58-автобусдаги эътироф

Автобусда яқин вақт оралиғида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари: кўприklar, равон йўллар, биридан чиройли биноларни томоша қилиб бордим. Ёнимда ўтирган отахон Сергели деҳқон бозорига бориш йўлини сўраб қолди. Шу баҳона суҳбатлашиб кетдик. Сурхондарёлик Эргаш бобо юртимизнинг сўлим гўшалари, қадимий шаҳар ва қадамжоларини зиёрат қилишни ният қилган экан. Тошкентга келганига уч кун бўлибди. Сергелидаги улкан бунёдкорлик ишларини эшитиб, ўз кўзи билан куришни ният қилибди.

— Мамлакатимизда инсон умри азиз, қадри юксак, — дейди бобо. — Қаранг, болам, атрофимиз тинч, фаровонлик, одамларимиз ҳаётдан рози, келажакка ишончи мустаҳкам. Бундай юртга мана шунақа қурилишлар, тўй-томошалар ярашади. Бу даврга муносиб бўлиб, шукроналик ҳисси билан яшашимиз керак.

Ҳар ёнда ободлик

Туман ҳудудига кириб бораверишингиз билан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Бу ерда Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори асосида кўп қаватли уйлар қурилиши авжида.

— Янги уйлари белгиланган муддатларда топшириш учун барча имкониятларимиз етарли, — дейди “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси директорининг ўринбосари Шерзод Усмонов. — Бунинг учун 4,5 мингдан зиёд қурувчи, 600 дан ортиқ техника жалб қилинган. Ишлар уч сменада ташкил этилган. Сентябрь-ноябрь ойларида бу уйлар ўз эгаларига топширилади.

Маълум қилинишича, ҳар бир янги хонадонга замонавий эшик-роилар, газ плитаси ўрнатилди, полларга ламинат тўшалади. Кўп қаватли уйлар учун махсус иситиш қозонлари қурилади. Бу куз-киш мавсумида

хонадонларни иситиш тизимини меъёрида таъминлашга хизмат қилади.


“Ипотека-банк” АТИБ томонидан кўп қаватли уйларнинг қурилишни молиялаштирувчи ва қурилган уйларни сотиб олиш учун аҳолига ипотека кредитлари ажратишда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Аҳолига кўп қаватли уйлари сотиб олиш учун ипотека кредитлари 3 йиллик имтиёз билан 20 йил муддатга, биринчи 5 йил давомида йиллик 7 фоиз, келгуси даврларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасида фоизларни тўлаш ва уйлар қийматининг камида 25 фоиз миқдоридеда бошланғич бадал маблағларини шакллантириш шартлари билан ажратиш жорий этилган, — дейди “Ипотека-банк” Сергели тумани филиали бўлим бошлиғи Жасур Норматов. — Бизда бунинг учун барча зарур имкониятлар мавжуд. Шу мақсадда амалий ишлар изчил олиб боришмоқда. Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига 6,5 миллиард сўмликдан кўпроқ 28 ипотека кредитлари ажратилди. Туманда яна бир йирик қурилиш — ер усти тезуюр метро йўлини қуриш ҳам қизгин паллада. Эстакада-лар орқали ташкил этилаётган мазкур метро Сергели туманининг метронинг Чилонзор йўналишидаги Олмазор бекати билан боғлади.

Узунлиги 7,1 километрни ташкил этувчи бу метро ишга тушиши билан йилига 14 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиши мўлжалланмоқда.

Юртдошларимиз нима демоқда?

— Қут-барака — аҳилликда, — дейди Сергели-5 даҳасида яшовчи Ҳамиджон Ақромов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган халқлик ислохотларда бунинг мохиятини англаш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Оддий одамлар билан мулоқотлар чоғида айтган фикрлари, берилган топшириқлар, тегишли кўрсатмалар — буларнинг барчаси халқимиз ўйи-хаёлидаги масалалар ечимига қаратилгандир. Кўриб турибсиз, бугун туманимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бундан барчамиз бирдек хур-



сандимиз. Атрофимиз кўркам бўлмоқда, янги уйлар, метро қурилиши туманимизга алоҳида файз олиб келмоқда. Туманимиз аҳли ҳам бундай хайрли ишни қўллаб-қувватлаб, келажакка мустаҳкам ишонч билан яшамоқда.

— Уч нафар фарзандим бор. Яқинда катта ўғлимни уйлантиришимиз керак. Табиийки, икки хонали уй бизга торлик қилиб қолганди, — дейди Яқкасарой туманида яшовчи Тўхтамиш Шайманов. — Янги уйга эҳтиёжимиз бор. Яқинда уй олиш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Ҳокимликдаги махсус комиссия бу масалани ўрганиб чиқиб, Сергелида қурилаётган янги уйлардан ажратиш мумкинлигини айтишди. Насиб қилса, янги хонадонда тўйлар қилиш ниятимиз бор.

Ёш олим Рустамжон Файбуллаев талабалик давридаёқ изланувчанлиги, иқтидори билан эътибор қозонди. Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бир қатор танловлар, фан олимпиадалари совриндир. Ҳозир у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети ўқитувчиси.

— Ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли бугун кўпгаб ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди Р.Файбуллаев. — Илм-фан сирларини ўрганиш кўп меҳнат талаб қилади. Бунда, албатта, Президентимизнинг, устозларимизнинг қўллаб-қувватлаши бизга зўр қуч-ғайрат бағишлайди. Сергели туманида яшаймиз. Ёш оиламиз. Яқинда ота-онам, турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, ёш оилалар учун мўлжалланган уйлардан олиш учун ариза топширдик. Ҳужжатларимиз тегишли комиссия томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу биз — ёшларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш, хусусан, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида шаҳар қишлоқларимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари ана шу эзгу тей-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Улуғбек АСРОРОВ

ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Хар бир инсон учун туғилиб ўсган юртидан-да азизроқ макон бўлмайди. Биз Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд юртда умргузаронлик қилувчилар касбимиз, ёшимиздан қатъий назар ана шу улғу диёрнинг гуллаб-яшнаши, тинчлиги-осойишталиги, равнақи учун масъулмиз.

Яқин атрофимизда юз бераётган қирғинбарот урушлар, шиддат билан келажагимиз бўлган ёшларнинг онгини заҳарлаб, уларни турли хил нотўғри, номақбул оқимларга даъват этишга уринишлар, "омавий маданият" деб аталмиш таҳдидлардан бугунги кунда баъзи ёшларимиз маънавий қашшоқлиги, диний ва дунёвий билимлардан хабарсизлиги сабаб моддий-маънавий зарар кўраётгани, ўз йўлидан адашадигани ҳеч кимга сир эмас.

Шу йилнинг 15 июнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида асосий эътиборни келажагимиз бўлган ёшларга қаратди. Ёшларга бўлган эътибор натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши, Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши эса, нур устига аъло нур бўлди. Айни шу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда медиа-режа ишлаб чиқилди.

Куни кеча шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Гуруҳчарик" маҳалласида туман "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан "Динимиз софлиги учун курашайлик!" мавзусида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган туман бош имом хатиби С.Абдурашидов, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси Ш.Мухамедов ва бошқалар ислом дини факатгина эзгулик, яхшиликка қаровчи дин эканлиги, у ҳамиша одамларни аҳил-тотув бўлишга қарашли, оилаларни мустаҳкам бўлиши, аёлни, оилани улуғлаш ва ота-онага бўлган ҳурмат, иззат кўрсатиш кераклигини таъкидлаб ўтишди. Ҳуқуқ-тартибот вакиллари эса, ҳозирги кунда айрим ёшларнинг турли хил-оқимларга қўшилиб кетиши, жиноят содир этилишида оилавий келишмовчиликлар, ақа-ука, опасингиллар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам эмаслигини айтиб ўтди. Шунингдек, нафақат ёшларимиз, балки айрим ота-оналар ҳам ислом динининг асл мазмун-моҳиятини тушуниб етмаслиги оқибатида турли кўнгилсизликлар юзага келаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда уюшмаган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг бандлигини таъминлаш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Гулчехра КАРИМОВА

Барчамизга маълумки, мустақиллик шарафати билан миллий давлатчилигимиз, миллий ўзлигимиз ва маънавиятимиз, ҳуқуқ-эркинлигимиз ва қадр-қимматимизни тиклашдек мислсиз имкониятларга эга бўлдик. Энг асосийси, истиқлол бизни ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда авлодларга ибрат ва намуна бўладиган ишларни амалга ошириш, ҳусусан, суверен, демократик ва адолатли ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек устувор мақсадимизни рўёбга чиқаришга имкон берди.



ҲАР БИРИМИЗГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Президентимизнинг жорий йил 27 июнда "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Фидойинг бўлгaysини сени, Ўзбекистон!" мавзусида маънавий-маърифий тадбирда бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Унда таниқли олимлар, адабиёт ва санъат номандалари, касаба уюшма фаоллари ҳамда турли тармокларда фаолият олиб бораётган ходимлар қатнашдилар.

Маърифий учрашувда турли соҳа вакиллари юртимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев, Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари номзоди Хайдарали Мухамедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Мунаввара Усмонова ва бошқалар истиқлолимизнинг қўлғуси йигирма олти йиллиги арафасида халқимиз, миллатимиз тақдирини энг эркин давларини, ўтган йиллар завоҳирини сарҳисоб қилишдек чексиз ғурур ҳар биримизга завқ-шавқ бағишлаши ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва уларнинг натижалари, ҳар бир соҳадаги ўзгариш ва янгиланишларнинг одамларни рози қилишдек эзгу мақсадга йўналтирилгани алоҳида қайд этилди.

— Таъкидлаш зарурки, бу каби тадбирлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги меҳнат жамоаларида, маҳалла ва гузарларда ҳам ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшма-

лари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини муносиб тўғфалар билан қўтиб олиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!" акцияси ташкил этилди. Мазкур акция доирасида мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчилар оилаларига манзилли моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Республикаимизнинг чекка қишлоқ туманларида яшовчи 2 мингта эҳтиёжманд оилани электр-маиший техника жиҳозлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. "Касаба уюшмалари стипендияси" лойиҳаси совриндорлари бўлган, республикамизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган 294 нафар иқтидорли талабага касаба уюшмаларининг бир марталик стипендиялари топширилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган оилалардан бўлган 100 нафарга яқин ишловчи аёллар ҳамда ёш оилалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул йўлланмалар асосида соғломлаштирилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз ва эҳтиёжманд кексаларнинг Бухоро, Самарканд, Хива ва Тошкент шаҳарларига саёхатлари ташкил этилмоқда.

Тадбир иштирокчилари бугун энг катта ва бебаҳо бойлигимиз – Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги эканлиги, мамлакатимиздаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, меҳроқабат ва барикенглик муҳити барчанинг эътирофига сазовор бўлаётганини қайд этдилар. Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирини, келажаги учун бекиёс аҳамияти – йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда асосий омиллардан биридир.

Зиёда РАСУЛОВА

ласидан. Бу хизмат томонидан оилада Интернетга уланган компьютерда таққилланган веб-сайтлар рўйхати ҳар куни автоматик равишда тўлдириб борилади. Тизим "қиро рўйхат" тамойили бўйича ишлайди – блок қилинган сайт компьютерда ёки Wi-Fi бўйича уланган смартфонда ҳам очилмайди. Бола бу тўсиқни енгиб ўта олмайди. Бундан ташқари, тизим баъзи сайтларга киришганда чиқиб келаверадиган ёқимсиз, беҳаё реклама баннерлари ва ёзувларини ҳам ўчиради.

"UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази маълумотларига кўра, "Davga.uz" миллий ижтимоий тармоғи мамлакатимизда омаллашаётган ижтимоий тармоклардан бири. Мазкур тармок ишга туширилганига бири йилдан ошди. Шу вақт оралиғида тармокдан фойдаланувчилар 16 минг 700 га яқинлашди. Фойдаланувчилар мазкур тармок ёрдамида Интернетда синфдошлари, курсдошлари, хизматдош ёки ҳамкасбларини топиши мумкин. Шунингдек, қизиқиш бўйича гуруҳлар, саҳифалар ташкил этиш ва ўз бизнесини таққил этиш учун ундан восита сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Стандарт сервислар асосида матнли ахборот, фотосурат, видеоролик, лайв жойлаштириш, шарҳлаш, мессенжерда мулоқот қилиш имконияти яратилган.

Шифокор ва психологларнинг таъкидлашича, ижтимоий тармокда узоқ вақт ўтириш инсон иммун тизимига салбий таъсир кўрсатиб, ўсиш гормонининг ривожланишини чеклайди. Кўриш қобилиятини пасайтиради. Ижтимоий тармокларга муқкасидан кетиш инсоннинг ижтимоий қўнималарига салбий таъсир кўрсатади. Онлайн-сервислар ҳатто инсоннинг тумга қобилиятлари пасайишига ҳам сабаб бўлади.

Халқимиз асалнинг ҳам ози ширин, деб бежиз айтмаган. Ҳар қандай ишда меъёрга амал қилинса, умр ҳам тотли бўлади. ...Дарвоқе, қўшниларнинг ижтимоий тармок ҳақидаги баҳси узоқ давом этди. Лекин негадир мен гурунга қўшила олмадим. Бутун хаёлим боланинг телефондан кўз узмай ўтиришида, бутун борлиғини шу матоҳга бериб ўйлаётганида бўлди.

Мавридин топиб энди йигитчанинг қўлогдан қўшиб қўйман, деб турган эдим, ташқаридан "Фарҳоджон, болам..." деган овоз келди. Бола чопқиллаб ҳовлига чиқди. Телефон жойида қолди. Бир узалиб, уни қўлимга олдим. Не кўз билан кўрайки, экранида шахмат тахтаси! Сўнг қандайдир хотиржам тортиб, оқ доналардан бирини бир катак юриб қўйдим...

Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Ижтимоий тармокларнинг деярли барчасида профилли бор эди. Яқинда ҳисобласам, виртуал "дўст"ларим олти мингга яқинлашибди. Олти минг-а?! Бироқ, бундай ўйлаб қарасам, улардан 50 нафардан нари-берисини танийман, холос. Сўнг дам олиш кунларининг бирида халқимизнинг "Дўстинг кимлигини айтсанг, мен сенга кимлигини айтаман" мақолига амал қилдим-у, нотаниш "ошино"лар билан барча "дўстлик алоқалари"ни уздим.

Албатта, ижтимоий тармокларнинг фойдали жиҳатлари кўп: одамлар билан виртуал бўлса-да мулоқот қиласиз, ёзма нутқ ривожланади, гап гапни очади, янги фикр ҳам келиб қолар балки. Аммо улар орасида тасдиқланмаган, фитна кўзгайдиганлари ҳам кам эмас. Шунинг учун дастлаб бир савол туғилди: ижтимоий тармок нима учун керак?

Тўғри, бугун ижтимоий тармоклар фаол мулоқот воситасига, жамоатчилик назоратининг самарали шаклига айланган. Лекин инсон азиз умрининг ганимат ҳар лаҳзасини ижтимоий тармокларга сарфлаши ҳам қанчалик тўғри?

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлиб, бу ҳақда кўпроқ ўйладиган бўлиб қолдим.

...Ўғил отасига берган ваъдасини бажарди – шахмат бўйича мактабда, туманда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлди. Ота ҳам ваъдага вафо қилди: ғолибга қўл телефони олиб берди, қўни-қўшинни чақириб, дастурхон ёзди.

— Ўғлим, бу телефон сенга совға. Унинг имкониятлари жуда кўп. Лекин бир мажбуриятни ёдингга тут: бўлиб хотирасида бўлар-бўлмас нарсаларни сақлама, – дея ота кўпнинг олдида фарзандига қатъий ўқтирди. — Интернетга кирмайсан. Нима?.. "Одноклассники"га умуман рухсат йўқ. Хўш, яна...

Хонтахта устидаги телефоннинг устма-уст "виз-виз" қилиши ота-боланинг суҳбатини бўлди. Мезбон телефонини олиб бир муддат титқилади. Даврага ноқулай жимлик чўкди.

— Уэр... уэр! Бу Интернет дегани одамни шунақа беодоб, баъзида эътиборсиз қилиб кўяр экан, – деди фарзандига танбеҳ бериб турган ота боқиб телефонини жойига кўяр экан ўнғайсизланиб. — Кеча "Фейсбук"ка ўғилчанинг ғолиблик дипломини балан қўтариб тушган суратини жойлаган эдим. Танниган-танимаган роса табриқлади, "зўр" белгисини кўйди. Биттаси "Ростини айтинг, бу ғалаба учун қанча харажат қилдингиз?", деб сўрабди. Ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Шундай бўлса-да, саволни борица қабул қилиб, ўғлимиз ҳеч қандай пулли шахмат тўғраига қатнамагани, мактабда, уйда мустақил шуғулланишини айтаман дегунимча "Танловларда ҳақиқат йўқ, кимнинг хомийси ээр бўлса, ўша ютади, мактабларда тўғрақлар

номигагина мавжуд", деган иддаолар ара-лаш муҳокамалар бошланиб кетди, денг. У десам, бу дейди, бу десам, у. Хуллас, эрта-лабдан тушгача – сизлар келгунча шу билан овора бўлдим. Вақтим ҳам, асабим ҳам кетди...

ZiyoNET таълим портали бор. Ундаги "Савол-жавоб", "Гуруҳлар" деб номланган бўлимлар ишлаш тартиби, имкониятларига кўра ижтимоий тармокларга ўхшаб кетади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ZiyoNET бўлими мутахассислари бу ресурсларда ёшлар ўртасида Интернетдан фойдаланиш маданияти ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга, сўрономалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Интернет ҳаётимизда катта аҳамият касб эта бошлаши билан бугунга қадар бир савол кун тартибидан тушмайди: ёшлар Интернетда – маърифат ва жаҳолат чорраҳасида тўғри йўлни таллаб олишлари учун нима қилиш керак? Ҳозирча бу борадаги қўпнинг ҳулосаси шуки, болани ота-она назорат қилса, самараси тезроқ сезилади. Афсуски, кўп ота-оналар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши билимайди ё ҳафсала қилмайди. Холбуки, фарзанд, яъни келажақ тарбиясида ота-она фаол ва ҳушёр, доимо янгиликка интилувчан бўлиши ўта муҳим.

— Бугунги глобаллашув даврида нафақат йирик оммавий ахборот воситалари, балки турли бўлғунчи гоёларни, ваҳшийли-

Яна Интернет ҳақида

ОҚ ДОНАНИНГ СИЛЖИШИ

— Бугун ижтимоий тармоклар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улғурди, бу маконга ахборот олиш, фикрларини бошқалар билан бўлишиш эҳтиёжи сабаб қирлади, – дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ZiyoNET бўлими етакчи мутахассиси Фарид Шомурзаев. — ZiyoNET таълим порталида ёшларнинг ахборот олишга бўлган ана шундай талаби ўрганилган ҳолда электрон ва аудио китоблар сони мунтазам янгилаб, қўлайлиги боришмоқда. Мамлакатимизда Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишлари, жумладан, электрон китобхоналикни қўлайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қўрултойида алоҳида таъкидлаганидек, "Фарзандларимизнинг онги, дунёқараш асрлар давомидан синовдан ўтган, юксак маънавият заҳинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шўхлиги, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз". Биз ҳам ана шу фикрда келиб чиқиб, ёшларни китобга қайтариш, мутолаага ошно қилишга эътиборни янада қўлайтирмақдамиз.

гу беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар машҳур ижтимоий тармокларда ўз саҳифаларини юритмоқда, – дейди "Техноprosystem" масъулияти чекланган жамиятининг "TPS" интернет провайдерли масъул ходими Жасур Зоҳидов. — Маркетинглар ҳам ўзларининг тарғибот ва реклама роликларини жойлаштириш учун шу йўлдан самарали фойдаланаётир. Интернет омаллашгандан кейин ота-оналар фарзандига "Емон бола-лар билан ўйнама", "Елон гапирма", "Ўзингдан каттаини ҳурмат қил", деб ўқитириш қаторига "Интернетга камроқ кир", "Фалон сайтга кирма" деган сўзларни ҳам қўйишга мажбур бўлмоқда. Яхши тарбия кўрган, китобга қизиқиши бор бола бу гапларга амал қилади. Лекин Интернет борасида ота-онанинг ёзаки чекловига ҳамма бола ҳам бирдек қўлоқ солмаслиги мумкин. Бундай пайтда техник имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, баъзи Интернет провайдерлари глобал тармокда учрайдиган номақбул ахборотни блок қилидиган махсус дастур ва хизматларни тақдим этади. Бизнинг "Ота-она назорати" деб номланган хизматимиз ана шулар жум-



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Дур тўқилса термулиб, териб-териб олгайсан,
Кум тўқилса қадри йўқ, асло назар солмайсан.

* * *

Умр қисқа ўткинчи, нечун елга совурдинг,
Ўз нафсингни ёғига ўз қадрингни қовурдинг.

* * *

Ойлар ўтар, йил ўтар, ишинг ҳеч тугамайди,
Баҳоринг елдек ўтар, кишинг ҳеч тугамайди.

* * *

Кексаликнинг гаштини сурганларга боқиб кўр,
Сен ҳам эй дўст, улардек, Яратганга ёқиб кўр.

* * *

Остингдаги отингни омонатга олгансан,
Бер, омон қайтариб бер, маломатга қолмасдан.

* * *

Бегона кучоқда яйрамас бола,
Бегона оғуш бу фарзандга нола.

* * *

Эзгулик измида кимки ўй сурар,
Босган ҳар қадами бахтга бўйсунар.

* * *

Уммонни қўлоқлаб кесиб ўтмайсан,
Қуёшни кўксинг-ла тўсиб ўтмайсан.

Сабринг саодати элга қўшгайдир,
Муҳаббат кўнгилни гулга қўшгайдир.

* * *

Ёр ишқиде беморлик саодати кимга ёр,
Оллоҳ суйган қулининг ибодати унда бор.

* * *

Амалпараст одамлар ой талашиб ўтарлар,
Икки газ ер етса ҳам, жой талашиб ўтарлар.

* * *

Умр берса Худойим умидинг узилмагай,
Орзулар осмонда кошонанг бузилмагай.

* * *

Ялинчок, ялтоқларга ёр қилмагин,
Худойим, Ялинганлар ёнида бор қилмагин,
Худойим.

* * *

Отдан тушса эгардан тушмайдиган кўп бунча,
Ўзидан ҳам амални хушлайдиган кўп бунча.

* * *

Қаторда нори борлар бўй-бастини тик тутар,
Ёлғиз эшик очганди қоснада ёт кутар.

* * *

Йигит қоқилса гар, ер ҳам титрайди,
Хиёнат тиг солса яранг битмайди.

* * *

Ўйладингми, шукринг бисёр ё талабинг,
Гар талабинг, сен ўз виждонинг таладинг.

* * *

Гар қўлингдан ҳар даме тушмас шароб,
Ҳолинг хароб, ҳолинг хароб.

* * *

Спорт янгиликлари



ЁШ МЕРГАНЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Олмазор ўқув спорт техника клуби" унитар корхонаси қошида жойлашган ўқ отиш тирида спортнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш тури бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги ва чемпионатнинг тўртинчи босқич мусобақаси ташкил этилди.

– Мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган ёш ва навқирон авлодни фақатгина жисмоний эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом қилиб вояга етказиш ҳамда ҳарбий ватанпарварлик руҳини улар онгига чуқур сингдиришдир, – дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Олмазор ЎСТК" унитар корхонаси Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича директор ўринбосари Азизжон Қаюмов. – Милтиқдан ўқ отиш спорт турининг ўзига хос хусусияти шундаки бу жараёнда ёшларимиздан юқори натижаларни кўлга киритишлари учун авваламбор ақл идрок, зийраклик ҳамда мўлжални аниқ олиш талаб этилади. Бунинг учун мунтазам равишда спорт машқларини такрорлаб, бу каби мусобақаларда иштирок этиб туришлари лозим.

Қизгин, баҳс ва мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтган ушбу мусобақада пойтахтимиздаги 8 та спорт жамоасининг 58 нафардан иборат спортчилари "ПП-1" ва "ВП-2" машқларида ўзаро куч синашди.

Мусобақа натижаларига кўра ўқув спорт техника клубларидан яқна тартибда иштирок этган ўсириллар ўртасидаги "ВП-2" машқи бўйича "Чилонзор ЎСТК" УК-2 дан Рустам Раджабов биринчи, "Чилонзор ЎСТК" УК-1 дан Илья Никитин иккинчи, "Миробод ЎСТК" УК-1

дан Камрон Қобилжонов учинчи ўринларга муносиб деб топилди. "ПП-1" машқи бўйича эса "Техногресспорт"дан Дониёр Махаммаджоновга биринчи ўрин, Илҳомбек Абиджонов иккинчи, "Чилонзор ЎСТК" УК-1 дан Вениамин Никитин учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки мамлакатимизда нафақат ўғил болалар, балки қизлар ўртасида ҳам соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш мақсадида спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилиб берилмоқда. Мазкур мусобақа давомида қизлар ўртасида ҳам беллашув ташкил қилинди. Беллашув доирасида "ВП-2" машқи бўйича Александра Давидова биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, Инола Муталова ҳамда Ирода Бахтиёрова иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. "ПП-1" машқи бўйича эса биринчи ўринни, Элина Тухватуллина эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Александра Марченко ҳамда Эълнора Муталовалар эгаллади.

Спорт ихлосмандларининг жамоавий натижаларига тўхталадиган бўлсак, "Чилонзор ЎСТК" УК-1 биринчи ўрин, "Чилонзор ЎСТК" УК-2 иккинчи ўрин, "Миробод ЎСТК" УК-1 учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Тадбир сўнгига ташкилотчилар томонидан барча ғолиб ва совриндорлар диплом билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ

Маълумки, 2019 йилда футбол бўйича Осиё кубоги бўлиб ўтади.

ҲАМЮРТИМИЗ ПХЕНЬЯН ШАҲРИГА БОРАДИ

Жорий йилнинг 5 сентябрь куни КХДР пойтахти Пхеньян шаҳрида футбол бўйича КХДР – Ливан терма жамоалари ўртасида Осиё кубогига саралаш турнири "В" гуруҳи 3-туридан ўрин эгаллаган учрашув бўлиб ўтади.

Этиборлиси, ушбу баҳсни ҳамюртимиз ФИФА рефериси Азиз Асимов бош ҳакам сифатида бошқаради. Қанотларда унга Алишер Усмонов ва Темура Гайнуллин ёрдам беради. Шерзод Қосимов эса захира ҳаками вазифасини бажаради.

ЮКСАК ИШОНЧ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида саралаш турнири учинчи босқичининг 10-тур беллашувлари 5 сентябрда ўтказилади.

Айнан 5 сентябрь Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқичи "В" гуруҳидан ўрин эгаллаган Саудия Арабистони – Япония терма жамоалари баҳси бўлиб

ўтади. Қувонарли томони шундаки, ФИФА томонидан эълон қилинган ушбу ўйин расмийлари орасида ҳамюртларимиз ҳам қайд этилган. Яъни, ФИФА рефериси Валентин Коваленко ушбу баҳсга бош ҳакамлик қилса,

қанотларда унга Маъмур Саидқосимов ва Хусниддин Шодмонов ёрдам беришди. Яна бир ҳамюртимиз Дмитрий Писленгинга захира ҳаками вазифаси ишониб топширилган.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

БОКС БЕЛЛАШУВИ ҚОЛДИРИЛДИ

Профессионал боксчилик фаолиятини АҚШда давом эттираётган тажрибали чарм қўлқоп устаси Баҳодир Мамажонов навбатдаги жангини 29 июль куни ўтказиши лозим эди.

Ушбу беллашувда Баҳодир Мамажонов америкалик Крис Ховард билан жанг қилиши эълон қилинганди.

Бироқ боксчимиз мазкур жанг қолдирилганини маълум қилди. Баҳодирнинг айтишича, рақиб соғлиғида юзага келган муаммолар сабаб ташкилотчилар

унинг рингга чиқишига рухсат беришмаган.

Ўз навбатида Ахрор Муралимовнинг америкалик нокаутчи Жермейн Франклин билан жанги белгиланган вақтда ўтказилади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Мутахассис маслаҳати

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Куйдирги ўта хавфли касалликлар гуруҳига кирувчи, одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам юқумли касаллик ҳисобланади.

Касалликни куйдирги таёқчаси кўзгатади. У ташқи муҳитда спора ҳолида учрайди ва сувда, tuppoқда 100 йилгача яхши қобилятини сақлаб туради. Куйдирги касаллигининг манбаи асосан касалланган уй ҳайвонлари: қорамол, от, қўй, туя, эчки ва чўчка ҳисобланади.

Касал ҳайвонларда куйдирги таёқчаси ҳайвоннинг ҳамма органларига тарқалади ва сийдиги, нажаси билан ажралиб tuppoқ, ем-хашак, яйлов, сув ҳавзаси ва бошқаларни ифлос қилиб, касаллик тарқалишига сабабчи бўлади.

Касаллик одамга ветеринария хизмати ходимлари кўригидан ўтмаган ҳайвонларни сўйиб, терисини шилганда, гўштини нимталаганда, гўштни яхши термик ишлов бермасдан истеъмол қилганда юқиши мумкин. Куйдирги асосан ёз-қуз фаслларида учрайди. Одамга юқадиган кейин бир неча соатдан то 14 кунгача яширин даври бўлиб, бунда беморлар шикоят қилмайдилар. Касалликнинг қайси йўл билан юқишига қараб, тери, ўпка, ичак ва септик (қонда) турлари учрайди. Асосан, 95-98 фоиз тери шакли учрайди. Бунда микробнинг терига кирган жойида қизғиш доғ пайдо бўлади, кейин бу доғ шишиб, ўша жойда суюқлик тўпланади, сўнгра ёрилиб, яра пайдо бўлади, яра оғриқсиз бўлади, усти қора парда билан қопланади. Куйдиргининг ўпка шакли анча оғир

кечади, бунда касалликнинг яширин даври қисқа бўлиб, ҳарорат тезда кўтарилади, йўтал, нафас қисқиши, мушакларнинг тиришиши, қон аралаш балғам чиқиши кузатилади.

Касалликнинг ичак шаклида қоринда қаттиқ оғриқ, ичакдан қон кетиши, тана ҳароратининг жуда юқори бўлиши каби аломатлар бўлади. Септик шаклида эса, юқорида айтиб ўтилган клиник белгилар намоеён бўлиб, кейинчалик касаллик кўзгатувчи таёқчалар қонга ўтади ва қон орқали бутун организмга тарқалади.

Касалликнинг олдини олиш учун куйидагиларга амал қилиш керак: чорвачилик фермаларида, қушхоналарда, жун, тери, гўшт, сутни қайта ишлаш қораларида ишловчилар иш жараёнида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишлари, ҳар йили режалли эмланиб, тиббиёт ходимлари назоратида бўлишлари лозим.

Ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, касаллик аломатлари пайдо бўлганда ўзбошимчилик билан даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Аҳоли орасида куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича санитария-тарғибот ишлари кенг қўламда олиб бориш зарур.

Зулфия ШОМУХАМЕДОВА,
эпидемиолог

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносидида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва тақлифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносидида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

ШАХРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалга оширилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Qdnoqno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган – "Ергеодезкадастр" давлат кўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатиغا!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашув ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичида-босқичи охири бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари такроран қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Якубова кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 21,04 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 18 350 000 000 сўм.

Баландса савловчи: қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

2. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 30-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "GROTEKS" қўшма корхонасининг устав фондидаги 30,21 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 1 886 945 048 сўм.

Баландса савловчи: масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "GROTEKS" қўшма корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: полиграфик хизмат кўрсатиш.

3. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Т.Тўла кўчаси, Водний берк кўча, 6 Б-уй манзилида жойлашган "BLKTB-Mevasabzavot" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25,32 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 144 779 928 сўм.

Баландса савловчи: "BLKTB-Mevasabzavot" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

4. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жалолобод кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган "Уста Тошпўлат" номидидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 311 263 840 сўм.

Баландса савловчи: "Уста Тошпўлат" номидидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. Веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001805.

Аукцион савдоси 2017 йил 21 август куни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2017 йил 6, 21 сентябрь, 6, 23 октябрь, 7, 22 ноябрь, 7, 25 декабрь, 2018 йил 10, 23 январь, 9, 26 февраль, 14, 30 март кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига зақалат пулини тўлашлари лозим: АИТВ "Ипак йўли" Савбон филиалидаги х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850, ОКОНН: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин таом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисида талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.


Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонуний ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашув ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан қўнғи беришнингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани, "Ягона дарча" маркази томонидан 01.07.2011 йилда № 006104-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AGROPOLIV" МЧЖ (ИНН 302045456)

ТУГАТЛАДИ

Даъволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99899 878-11-01.



тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 31-33 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати мавзусида кўра, 4 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 август куни ҳаво ўзариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, қулайсан ҳолда секундида 12-17 метр

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёллонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz Буюртма Г- 835

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5001 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.30